

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

515 Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёж-
лари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиш-
тириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредит-
лаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш
тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1675-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марка-
зий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун-
ларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги
ПФ–4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқар-
ув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига
мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк
Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Бош-
қарувининг 2007 йил 13 мартдаги 30, 288-В-сон қарори (рўйхат рақами 1675,
2007 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2007 й., 16-сон, 168-модда) билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги кор-
хоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла
етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тарти-
би тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 28 сентябрь,
86-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 28 сентябрь,
288-В-3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Марказий банки
Бошқарувининг 2015 йил 28 сентябрдаги
86, 288-В-3-сон қарорига
ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 5-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси» деган сўзлар «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «фермер хўжаликлари уюшмаларини» деган сўзлар «Фермерлар кенгашларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 8-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бу кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси ғалла ҳосилини етиштириш харажатлари учун йиллик 5 фоиз, пахта ҳосилини етиштириш харажатлари учун йиллик 3 фоиз миқдорида белгиланиб, уларнинг 2 фоизи банк маржасини ташкил этади.».

3. 14-бандда:

«б» кичик банддаги «ДАК» деган қисқартма «АЖ» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

«г» кичик банддаги «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси» деган сўзлар «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 16-банднинг биринчи хатбошисидаги «Фермер хўжаликлари уюшмасининг вакиллиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Фермерлари кенгаши вакиллиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан келишилган.

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

Ш. ТЕШАЕВ

2015 йил 28 сентябрь

*Ўзбекистон Фермерлари
кенгаши раиси*

С. ТУРДИЕВ

2015 йил 28 сентябрь